



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 9 июль, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 134 (12.695)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Римга қайтганимдан сўнг, 2014 йилнинг 5-6 июнь кунлари «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция муносабати билан Ўзбекистонга ташрифим давомида кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва юксак меҳмондўстлик учун Сизга чин дилдан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга қувонч бағишлайди.

Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) ваколатхонаси очилиши тўғрисидаги битимни тайёрлаш жараёнидаги самарали ҳамкорлик учун ФАО томонидан чуқур миннатдорлик билдираман. Бу ўзаро ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сиз билан учрашув, ўзаро манфаатли масалалар, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатли овқатланиш, шунингдек, минтакавий барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлашга доир масалаларни муҳокама этиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва мамлакатингизнинг қишлоқ хўжалиги ва экспорт соҳасидаги улкан салоҳияти аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат таъминоти билан таъминлаш имконини бераётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистонда соғлом ва баркамол авлод келажакнинг кафолатидир.

Сиз конференциядаги нутқингизда эслатиб ўтган тараққиётнинг Ўзбекистонга хос йўли – муҳим беш тамойилга асосланган «Ўзбек модели» ҳақида маълумот олганим мен учун гоёта фойдали бўлди. Ташриф давомида ушбу тамойиллар муваффақиятли амалга оширилганлиги билан бевосита танишиш имконига эга бўлганимдан мамнунман.

Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, пухта ўйланган қишлоқ хўжалиги амалиётини қўллаш, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини ФАО ҳаммиша қўллаб-қувватлашга тайёр эканини таъкидламоқчиман.

Сизга ФАОни доимо қўллаб-қувватлаб келаётганингиз учун миннатдорлик билдираман. Ўзбекистон Республикаси билан ФАО ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик янада кенг ривожланишига қатъий ишонаман.

Жаноби Олийлари, самимий миннатдорлигим ва чуқур ҳурматиمنى қабул қилгайсиз.

Жозе Грациану да СИЛВА,
ФАО Бош директори



Тошкент
Автомобиль
йўллар
институтида
«Ягонасан,
муқаддас
Ватан!»
Республика
кўрик-
танловининг
олий таълим
муассасалари
ўртасидаги
худудий
иккинчи
босқичи бўлиб
ўтди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЮРТИМИЗНИ КУЙЛАЙМИЗ

Танловнинг биринчи босқичи 20 июнга қадар юртимиздаги барча олий ўқув муассасаларида юқори савияда ўтказилди. Унда голибликни қўлга киритган тўққизта олий ўқув юртининг энг иқтидорли талаба-ёшлари иккинчи босқичда Ватанимизни мадҳ этувчи дилрабо куй ва қўшиқлари билан иштирок этди.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида Ватанга садоқат, унинг тақдирини ўқув дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий савияси мукаммал қўшиқлар яратилишини рағбатлантириш мақсадида ўқувчи келинаётган ушбу танлов бир неча йилдирки, талаба-ёшлар ўртасида кўплаб иқтидор эгаларини юзага чиқарди, — дейди Тошкент Автомобиль йўллар институти маънавият ва маърифат бўлими бошлиги Абдор Латипов. — Танловлар самараси ўлароқ она юртимизни таранг қилувчи жуда кўплаб янги қўшиқлар яратилди. Ушбу куй ва қўшиқлар ёшларимизни юртимизни севишга, Истиқлол гоёларига садоқат, анъана

ва қадриятларимизга эҳтиром билан қарашга ундайди. Шунингдек, уларни мамлакатимизнинг турли соҳаларида эришган ютуқлари билан фخرланишга руҳлантиради ва ёшларимиз онгига миллий истиқлол гоёсининг моҳиятини синдиришга ҳамда чин инсонийлик фазилатларини тарбиялашга хизмат қилади.

Тадбир давомида иштирокчилар маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Шу тариха биринчи ўринга Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, иккинчи ўринга М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети, учинчи ўринга эса Тошкент Тибиёт академияси талабалари мушарраф бўлишди.

— Мен бундай нуфузли танловда биринчи ўринга сазовор бўламан деб ўйламагандим, — дейди Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талабаси Рустам Валиев. — Бундай кўриқлар

биз каби ёшларнинг қалбида Ватанимизга бўлган муҳаббат туйғусини янада оширади. Миллий анъана ва қадриятларимизни қадрлашга, ўзгичилигини англашга ва мамлакатимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишимизга замин яратади.

Дарҳақиқат, куй ва қўшиқ инсон онгининг энг олий нуқтасига маънавий озиқ сифатида етиб борадиган, кишини эзгуликка, яхшиликка қорлайдиган сеҳрли ва сирли маъводир. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови доирасида янги юлдузлар ҳам кашф этилмоқда. Бу эса азият муқаррам юртимизда камолга етаётган ёш истеъдод эгалари сифатининг кенгайишига хизмат қилади.

Танлов сўнггида совринли ўринларни қўлга киритган талабалар фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа
Ислом Исмоилов
олган сурат

ИМКОНИАТ ТАШАБУСГА УНДАЙДИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик
фаолияти қўллаб-
қувватланаётган ёшлар сафи
тобора кенгаймоқда

Давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, Ватанимизнинг келажак, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг унинг-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир.

Бугунги кунда замонавий фикрлайдиган, билимли, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қодир баркамол ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар билан суҳбатлашсангиз, фикрларидаги теранлик, ўз келажакини ёрқин тасаввур этишини кўриб, кўнглингиз ёришади. Эеро, барча соҳада рақобат муҳити кучайиб бораётган бугунги кунда ҳар ким ўз билими ва салоҳиятига ишонади ва суянади. Шу маънода, кейинги йилларда тадбиркорликка қизиқаётган ёшлар сафи кенгайиб бораётгани ҳам қувонарлиқдир.

2013 йили касб-хунар коллежларини битирган 500 мингдан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Маълумотларга кўра, жорий йилда меҳнат соҳасига қарийб 500 минг йигит-қиз – 2-3 тадан мутахассислик ва иш кўникмаларини эгаллаган, олган билимларини иқтисодиётнинг турли соҳаларида; хизматлар ва бошқарув жабҳасида қўллашга тайёр бўлган касб-хунар коллежлари битирувчилари кириб келади.

Эндиликда коллеж битирувчиларининг нафақат ишга жойлашиши, балки банк кредитлари эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратишлари ҳам одатий ҳолга айланиб қолди. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бора-бора кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фар-

мони муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олинган маълумотларга кўра, ёш мутахассислар ўртасида сўровлар ўтказилиб, уларнинг ишга ва ўз келажакига муносабати, меҳнатга лавқати ўрганилаётди. Таҳлилларга кўра, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг асосий қисми ўз мутахассислиги бўйича ишлаш ниятида. Жумладан, шу йил коллежларни битириб чиқариш 904 қизнинг аксариятини иш жойи билан таъминлаш масаласи ҳал бўлган. Уларнинг бир қисми олий ўқув юртиларига ҳужжат топширишни ўз олдига мақсад қилган бўлса, қарийб 13 минг нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган.

Зарина Умарова – Навоий ахборот технологиялари ва электрон санат касб-хунар коллеж битирувчиси. У имтиёзли сармоя эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиб, ютуқларга эришаётган тенгдошларини «ойна жаҳон»да кўриб, ҳаваси келарди.

— Банкларнинг ёшларга имтиёзли сармоялар бериши ва бунинг учун бизнес-гоя зарурлиги бизнинг оиламизда ҳам катта қизиқиш уйғотди, — дейди Заринанинг отаси Ринат Умаров. — Маслаҳатлашиб, кредит олишга қарор қилдик. Қисқа муддатда бизнес-режамиз истиқболли деб топилди ва банкдан ўн миллион сўм кредит олдик. Қарийб уч ярим мингта бройлер жўжа олдик. Парҳез гўшт етиштирмоқчимиз. Қизим кати ёшларнинг тадбиркорлик истагини қўллаб-қувватлаётган ва уларга кенг йўл очиб берган давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

(Давоми 2-бетда)

САМАРҚАНД «АЛБАТТА БОРИБ КЎРИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ДУНЁНИНГ 50 ШАҲАРИ» РЎЙХАТИДА

Дунёнинг энг машҳур шаҳарлари орасида «Шарқ марвариди» — Самарқанд ҳам мавжуд.

Мазкур нашр рейтингига қайд этилганидек, «Регистон майдонидаги мадрасалар ва қадимги иншоотлардаги нақшлар Буюк Ипак йўлининг кўҳна шаҳри — Самарқандни жаҳон ислом меъморчилигининг энг гўзал намуналаридан бирига айлантирган. Лондон ҳам ўзининг нуфузли музейлари, кўчаларидаги машҳур бозорлари туфайли ҳамда ўсувчан молиявий марказ сифатида дунёнинг одамлар энг кўп борадиган қадамжолари рўйхатига кириши ажабланарли эмас».

2014 йил 7 июль кунини Американинг таниқли «The Huffington Post» нашри «Албатта бориб кўриш лозим бўлган дунёнинг 50 шаҳари» рўйхатини эълон қилди.

Ушбу рейтинг «The Huffington Post» нашри томонидан minube.net саҳҳатчилар ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликда тузилган. Мазкур рейтингдан кўзланган мақсад «Буюк кўҳна пойтахтлардан тартиб, то Осиё, Америка ва улардан ташқарида Ерга энг аъло жойини топиш» билан изоҳланади. Рейтинг муаллифларининг фикр билдиришларича,

одамлар ўз ҳаёти давомида албатта бориб кўриши лозим бўлган қадамжолар рўйхатидан дунёнинг 50 шаҳари жой олган.

Самарқанд — МДХ мамлакатлари шаҳарлари ўртасида ушбу нуфузли рўйхатга кирган ягона шаҳардир.

«Жаҳон» АА

лияти якунлари кўриб чиқилди.

• Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари Касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси» кўрик-танлови якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўрта махсус таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўн тўрт нафар ўқитувчи ёшгача бўлган илғор, ёш ўқитувчи қатнашди.

• Шўрчи туманида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. «Диамонд» корхонаси раҳбари Сайёра Абрайкулова ташаббуси билан бунёд этилган мазкур спорт мажмуасига 150 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.



• Италия соҳил кўриқчилари хизмати томонидан Африкадан ноқонуний йўл билан келган икки минг олти юз нафардан ортиқ муҳожири қутқариб олинди. Улар Гамбия, Эритрея, Судан, Конго Демократик Республикаси фуқароларидир.

• Бразилиянинг футбол бўйича жаҳон чемпионатининг ярим финалида Германия терма жамоасига йирик ҳисобдаги мағлубиятидан сўнг Сан-Паулу шаҳрида бошланган оммавий тартибсизликлар натижасида бир нечта автобус ва энгил автомобиллар ёқиб юборилди, маиший техника воситалари билан сав-

до қилувчи дўкон вайрон қилинди.

• Бугун Грециянинг давлат секторидаги йирик касаба уюшма бирлашмаси ишчиларнинг кўплаб бўшатилиши, ойлик маошлари ва пенсиянинг қисқартирилиши, шунингдек, давлат энергетика корпорацияси бир қисмининг хусусийлаштирилишига қарши 24 соатлик иш ташлашни амалга оширмоқдалар.

• Япония жанубидаги Окинава музофотида «Неогури» тўфонининг хуружи натижасида ўттиз икки киши жабрланди. Уларнинг кўпчилиги кучли бўрон оқибатида тан жароҳатларини олди. Ушбу тўфон муносабати билан Окинава музофотидан олти юз мингга яқин одам хавфсиз жойга қўчирилди.



• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Геодезия ва картография тўғрисида»-ги Қонуннинг «Ергеодезикадастр» давлат қўмитаси томонидан ижро этилиши юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил фао-

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси

Маҳалла — ота-онанг

Маҳаллаларда турли миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек тинч-тотув, баҳамжихат бўлиб яшашларида ушбу тузилма фаолиятини мувофиқлаштириб келаётган «Маҳалла» хайрия жамоат фондларининг ҳам ҳиссаси катта албатта.

Биобарин, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлини маси томонидан ҳам «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси ҳамда белгиланган иш режа бўйича бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллаларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш, ёшлар билан ишлаш, яраштириш, спорт ва диний-маърифий ишлар бўйича комиссиялар фаолиятининг самарали ташкил этилганлиги тўғрисида эришилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлини маси бу ишларни йўлга қўйишда доимий равишда маҳаллалар ишини мувофиқлаштириб келмоқда.

Жумладан, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида», «Юксак маънавият — энгилмас куч», асарларида, шунингдек, қатор маърузаларида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича бугунги кунгача 60 дан зиёд давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди.

Маҳаллаларда аҳоли, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида 50 дан ортиқ маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес фаолиятини бошлаш, уларда 200 дан ортиқ янги иш ўринларининг яратилишига қўмаклашилди. Туманда ташкил қилинадиган меҳнат

Бугун биз барпо этишни мақсад қилганимиз — эркин фуқаролик жамияти юксак даражада уюшган, батариб ижтимоий муносабатлар тизимига таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмлари мукамал қарор топган жамиятдир. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ифода этувчи ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам муносиб ўрин тутди.

ярмаркаларига маҳаллаларда истиқомат қилувчи хотин-қизларни кенг жалб этган ҳолда, 2014 йил бошидан шу кунга қадар 500 дан зиёд хотин-қизлар бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш бўйича тумандаги 48 та маҳалладан 45 тасида 218 та шохобча фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган бўлиб, уларда 380 та янги иш ўринларини яратиш белгиланган.

Шу билан бирга фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 14 та фуқаролар йиғини принтер (3x1), 2 таси

собақалари ўтказилди. Кўтаринки руҳда ўтган ушбу тадбирларда 200 нафардан ортиқ хотин-қизлар иштирок этди. Фаол қатнашганларга фонд ҳамда хомийлар томонидан совғалар ва фажрий ёрликлар топширилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, фонд томонидан ҳамкор ташкилотлар ва соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда туман маҳаллалари аҳолиси ўртасида тиббий ва ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида «Эрта турмуш қуриш, эрта туғруқларнинг салбий оқибатлари ҳамда туғруқлар орасидаги мақбул оралиққа риоя этишнинг

аҳамиятини тарғиб этиш», «Мастопатия ва аёллар кўкрак беи саратони касаллигининг олдини олиш ва уни бартараф этиш йўллари» мавзуларида аҳоли билан учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловларда юқори натижаларга эришилаётгани қилинаётган меҳнатлар самарасидир. Яқинда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловида Чилонзор туманидаги «Катта Хирмонтепа» маҳалласи маслаҳатчиси Шарофат Абдиеваннинг шаҳар босқичида ғолиб деб топилиб, Республика босқичига йўлланма олгани фикримиз далилидир.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки миллий қадриятларимиз, ўзлгимиз кўзгуси бўлган маҳаллалар фаолиятини янада ривожлантиришга ҳисса қўиш, одамлар ҳаётининг фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқинлигига хизмат қилиш эзгу мақсадимиз.

Мунира АРИПОВА,

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлини маси бош мутахассиси

МАҚСАД — АҲОЛИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

мебель жиҳозлари билан таъминланди. 4 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди.

Умумхалқ байрамлари ва шонли саналарда 60 га яқин бадий-маданий тадбирлар, учрашувлар ташкил этилиб, 1383 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилишига қўмаклашилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг 11-бандига асосан тўй маросимларини ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик борасида маҳаллаларда 500 га яқин маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Бундан ташқари йил бошида фонд томонидан 184 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, яқка-ёлғиз кексаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига «Маҳалла муруввати» МЧЖ томонидан жами 7 278 000 минг сўмлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Аёллар ва ёшлар ўртасида «Алломиш ва Барчиной», «Соғлом она — соғлом бола» спорт му-

Тадбирлар

ОИЛА — МУҚАДДАС ҒЎША

Оила — жамиятнинг асосини ташкил этувчи ғўша. Бу муқаддас масканда инсон дунёга келади, айнан мана шу ерда у маънавий ва ахлоқий жиҳатдан камол топади.

Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайзи» ва Мирзо Улугбек туманидаги «Гулстон» ҳамда Алишер Навоий номидаги маҳаллаларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими томонидан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирларда айнан юқоридаги мавзуларда сўз юритилди.

Ёшларни ақл-идрокли, теран фикрга эга, комил инсонлар этиб тарбиялаш, йиғит-қизларни оилага тайёрлашдек хайрли мақсадлар қўзланган тадбирларда мутасадди идоралар вакиллари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида оила ва никоҳни мустаҳкамлаш масаласига катта аҳамият берилиб, оила соғлом бўлса, жамият мустаҳкам бўлади, жамият мустаҳкам бўлса — давлатнинг барқарор бўлиши алоҳида таъкидланганлиги, Асосий Қонунимизнинг махсус 14-боби «Оила» деб номланганлиги, 63, 66-моддалари бевоқиф оила ва никоҳга бағишланганлигига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, оиланинг тотувлиги ва равнақи энг юксак маънавий бойлик эканлиги, чунки ушбу муқаддас ғўшада энг аввало, ёш авлоднинг оилавий ҳаётга тайёрлиши, бунда ота-она уларга андоза бўлиши, оила — бу давлат ичра кичик бир давлат, жамият ичра кичик бир жамият, унинг ёзилган, ёзилмаган нормаю қоидалари борлиги ҳақидаги фикрлар айтиб ўтилди.

— Оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда маҳаллаларнинг ўрни катта, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Омила Арипова. — Бугунги кунда шаҳримизда 475 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, уларда 730 мингдан ортиқ оилалар истиқомат қилади. Фонд томонидан оила ва никоҳ масалалари бўйича олиб борилаётган ишлар самардорлигини янада ошириш, бу борада қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда «Оила ва никоҳ» деб номланган буклетларнинг кўп нусхада тайёрланиб маҳалла фуқаролар йиғинларига тарқатилгани шулар жумласидандир. Бундан ташқари маҳаллаларда иш олиб бораётган яраштириш комиссиялари ҳам тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшаш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этишга қўмаклашиб келмоқдалар.

Кизиқарили ва фойдали тарзда ўтаётган ушбу тадбирлар келажада ёшларга албатта ибрат бўлади деб ишонамиз.

Шаҳризода МУҲСИМОВА



Кишилар қалбида аҳиллик, меҳр-мурувват ва оқибат каби эзгу хислатлар айнан маҳаллада ривожланади. Бу ғўшадаги хотиржамлик эса улуг неъмат — она Ватанимизнинг тинчлиги-осойишталигидан дарак албатта.

«ЯНГИОБОД»ДА ИШ ҚИЗГИН

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда маҳалланинг ҳаётиимиздаги, жамиятимиздаги тутган ўрни ошиб, ваколатлари ҳам кенгайиб бормоқда. Маҳаллаларда ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, аҳиллик ва тотувлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар кўламининг ўзйўқ юқоридаги фикрларга мисол бўла олади.

Хусусан, Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласи мисолида фикримизни давом эттирадиган бўлсак, ушбу обод ва озода ғўшадаги ибратли ишлардан кўнглингизда ажиб бир илиқлик, ҳавас уйғонади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Махмудбек Юнусбеков, хотин-қизлар комиссияси раиси Дилбар Даминова ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Раиса Дўстмухамедоваларнинг маҳалла аҳолиси билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганларини ҳудуддаги тинчлик-хотиржамлик ва ободончилик ишларидан сезиш қийин эмас.

— Маҳалламизда кўп миллатли 2141 нафар аҳоли, 364 та оила ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирини қўллаб-қувватлаб,

керак вақтда ҳамиша ёрдамга шай бўлиб, иззат-ҳурматда яшаб келмоқда, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Раиса Дўстмухамедова. — Аҳолининг 800 нафарини вояга етмаган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак уларнинг таълим-тарбиясига қанчалик масъулият билан ёндашиш кераклигини тушунамиз. Биз шундан келиб чиққан ҳолда маҳалладашлар, аниқроғи ота-оналар билан ўзаро бир-биримизни тушуниб, яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

Бугунги кун ёшлари жуда қобилиятли, интилувчан ва шу билан бирга қизиқувчандир. Уларнинг жисмонан соғлом ва маънаван етук бўлиб вояга етишлари, тўғри йўлдан адашмасликлари, келажақда Ватанига муносиб фарзанд бўлишлари йўлида барча шарт-шароит, имкониятлар яратилган. Ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун 230-мактабда сузиш ҳавзаси, футбол майдони, ёпиқ ва очик спорт майдончалари бўлиб, улар билан машғулотларни Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари ўтказишади. Ўтган 2013 йилда 36 нафар маҳалла ёшлари касб-хунар коллежларини битирган бўлса бугунги кунда уларнинг ҳаммаси иш билан

— Кенгашли тўй тарқамас, — дейди Бектемир туманидаги Зилола маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурахим Аҳмедов. Маҳалла фаоллари билан ҳар бир соҳада маслаҳатлашиб иш олиб бормоқдамиз учун ҳам ҳудудимиз тинч, осойишта, озода ва обод масканлар қаторидадир.

Ислам Исмоилов
олган сурат

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

БИТИРУВЧИЛАР ИШГА ЙЎЛЛАНМА ОЛМОҚДА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивали якуни ва битирувчиларга диплом топширишга бағишланган тадбир ўтказилди.

Институт ректори Б.Сайфуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг реал тармоқларида талаб қилинаётган йўналишлар ва иқтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Жорий ўқув йилида мазкур институти магистратура босқичида 8 мутахассислик бўйича 35 нафар, бакалавриятнинг 26 йўналишида 468 нафар йиғит-қиз битиради. Улар ўз касблари бўйича ишга йўлланма олмақда.

— Битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича юртимиздаги турли маданият ва санъат муассасалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган, — дейди ЎЗА муҳбирига институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Н.Қосимов. — Бу ёшларнинг ўз билим ва қўникмаларини амалда намойиш этиш, соҳада малакали кадрларга бўлган талабни тўлиқ қондиришда муҳим ўрин тутди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан ташкил этилган «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивали битирувчи талабалар учун ўзига хос синонга айланди. Улар ижросидаги «Отелло», «Ҳижрон», «Икки заранг», «Медея», «Умидбахш», «Келин» спектакллари, телевидение, радио, кинотеател-операторлик, овоз режиссёрлигига оид ишлар ва олий ўқув юрти Нукус филиали ёшларининг «Тебренбес журеклер» сахна асар намойиши, «Оҳангар оғушида хур диёр» мавзусидаги концерт дастури профессор-ўқитувчилар томонидан баҳоланди.

— Мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган ёш ижодкорлар кўргазмалари, фестиваллар, танловлар ёшларнинг санъатга қизиқишини тобора оширишда, — дейди «Театршунослик» бўлими битирувчиси Умида Ҳасанова. — Йилнинг энг яхши санъат ва маданият тарғиботчиси йўналишида ғолиб бўлганим менга янада кўпроқ куч-ғайрат бағишлади. Фестиваль тенгдошларимнинг қобилият ва салоҳиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилди.

Мазкур тадбир ёшларнинг маънавий ва бадий-эстетик дидини юксалтириш, улар онгу шуурда тинчлик-осойишталикни қадрлаш, ватанпарварлик ғояларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Барно МЕЛИКУЛОВА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашида мазкур жамоат ташкилотининг журналистика соҳасидаги «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, фуқароларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли, айниқса, ёшларга пухта билим бериш, уларнинг касб-хунар эгаллаши, бандлигига яқиндан қўмаклашиш масаласи барча соҳада кечаётган ислохотлар жараёнида устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Юртимизда олиб борилаётган эзгу сабъ-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ҳолис, ҳаққоний тарзда етказиб бериш оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада фаоллиқни, воқеа ва ҳодисалар мазмун-моҳиятига чуқур таҳлилий асосда ёндашишни талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам медиа соҳани ислох этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда турли ижодий лойиҳалар, танловларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ўтказилаётган «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танловидан қўзланган мақсад мамлакатимизда инсон омилига устувор эътибор қаратишга оид ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, халқимиз, айниқса, ёшларга етказишга ҳисса қўлиш, бу борадаги ишларни кенг ёритиб келаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини муносиб рағбатлантиришдан иборат.

Бу йилги танловда босма ва электрон оммавий ахборот воситаларидан 120 нафардан ортиқ ижодкор 600 дан ортиқ ижодий иш билан иштирок этди. Ижодий ишларни саралашда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, ижтимоий барқарорлиқни мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда олиб борилаётган тизимли ишлар, маънавий-маърифий, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислохотлар одимлари чуқур, таҳлилий ёритилишига асосий эътибор қаратилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Шоира МУҲАМЕДОВА

Болалар спорт

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ
БЕЛЛАШДИ

Болалар ва ёшларнинг спорт билан оммавий равишда шуғулланиши уларнинг характери тоблайди, кучли, март ва жасур бўлиб камол топишига хизмат қилади, қатъиятли, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардона энгиб ўтишга қодир инсонлар эълан тарбиялайди. Спорт билан мунтазам шуғулланиш фарзандларимизнинг феъл-атвори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгарилади.



«Олимпия шон-шухрати» музейи атрофида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёш авлоднинг спортга қизиқтириш орқали яхшиликка етакловчи фазилатларни шакллантириш, дўстлик, фидойилик ва ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, бўш вақтларини унумли ўтказиш, спортга қизиқишларини ошириш мақсадида Юнусобод тумани Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Юнусобод туман ташкилоти, Ўзбекистон футбол федерацияси, «Олимпия шон-шухрати» музейи билан ҳамкорликда тумандаги маҳаллалар ёшлари ўртасида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шiori остида югуриш мусобақаси ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай давлат қудратини ёшлар салоҳияти, уларнинг орзу-интилишлари ва ўз олдига қўйган мақсадларини рўйбга чиқара олиш қобилияти белгилайди. Мамлакатимизда ҳозирги пайтда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, навқирон авлоднинг ўқиб-изла-

ниши, катта ҳаётга дадил кириб бориши учун барча имкониятлар яратилди. Бугун бу саяё-ҳаракатларнинг самарасини наинки ўзимиз, балки бутун дунё кўриб турибди, айниқса бунга спортчиларимизнинг юқори натижаларга эришганликлари мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

«Олимпия шон-шухрати» музейи атрофида ўтказилган югуриш мусобақаларини қўзғатар эканмиз ҳаёлимиздан юқоридagi фикрлар ўтди. Ўшбу мусобақада Юнусобод туманидаги «Минор», «Матонат», «Қашқар», «Янгиарик», «Ахилбод», «Хиёбонтена», «Мингўрик», «Анорзор» маҳаллаларида истиқомат қилувчи болалар ҳамда Юнусобод дизайн касб-хунар коллежи ўқувчилари 7 ёшдан 13 ёшгача, 14 ёшдан 16 ёшгача ва 17 ёшдан 20 ёшгача бўлган учта ёш тоифасига бўлинган ҳолда турли масофаларга югуриш бўйича ўз маҳоратларини кўрсатди.

Мусобақа якунида барча ёш тоифалари бўйича ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан ажратилган дипломлар, эсдалик совғалари, спорт кийимлари ва анжумлари топширилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

«Камолот»

СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши томонидан 300-сонли умумтаълим мактаби қошидаги «Камалот» техник йўналишга ихтисослаштирилган болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаси ташкил этилди.

Мусобақа бошланишидан олдин туман Кенгаши раиси Азиз Болтақовжаев сўзга чиқиб мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, яратилаётган имкониятлар ҳақида таъкидлаб ўтди. Бундай имкониятлардан фойдаланиб, бўш вақтини мазмунли ўтказиётган, спорт билан мунтазам шуғулланаётган болаларнинг соғлом ҳолда ўсиши болаларимизга эслатиб ўтди.

Тадбирда «Тамерлан» спорт клубининг ёш спортчилари тайбокс бўйича

Болажонларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилгани қувонарлидир. Бунинг бугунги кунда пойтахтимиздаги таълим муассасалари қошида ташкил этилган оромгоҳлар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

кўргазмали чиқишлар намойиш этишди. Бундан ташқари оромгоҳдаги болалар ва «Камолот» ЁИХ фаоллари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Туман Кенгаши бош мутахассиси Шухрат Каримов бошчилигидаги «Болажонлар» жамоаси «Камалот» жамоасига қарши тўп сурди. Шиддатли ва қизиқарли тарзда ўтган футбол мусобақасида «Камалот» жамоаси ғалаба қозонди.

Оромгоҳ болалари бор маҳоратларини намойиш этган ҳолда «Соғлом бола йили»га бағишлаб асфальтга расм чизилди. Болажонлар «Камолот» фаоллари билан биргаликда суратга тушишди. Тадбирда фаол қатнашган болаларга эсдалик совғалари, спорт анжумлари топширилди.

Азиз РАХМАТУЛЛАЕВА,
«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши етакчи мутахассиси

Кеча дастлабки ярим финал ўйинида майдонга Бразилия ҳамда Германия терма жамоалари тушишди.



қозонадими? деган савол кўпчилигини ўйлантирди.

Таъкидлаш керак, бразилияликлар ўшбу ўйинда икки етакчи футболчи — мохир химоячи, жамоа сардори Тьягу Сильва ҳамда чемпионатнинг энг кучли ўйинчиларидан бири ҳужумчи Неймар-сиз майдонга тушишди. Германия термаси эса жанговар таркибда эди.

Хар иккала жамоа ўрашувни ҳужумкор руҳда бошлашга ҳаракат қилишди, бироқ бразилияликлар ҳужумларида аниқлик етишмаса, немисларники жуда ҳавфли эди.

Натижа эса ўзини узоқ куттирмади. 11-дақиқада ўнг қанотдан чиқарилган бурчак тўпини қабул қилган Томас Мюллер бир неча химоячи қуришларида бўлса ҳам уни тўхтатмасдан туриб дарвозага аниқ йўллади ва ҳисобни очди.

Шу тариқа немислар майдонда тўла устунлиқни қўлла-

рига олдилар. Шиддатли ҳужумларнинг бирида 23-дақиқада Мирослав Клозе дарвозабон қайтарган тўпни қайта зарба билан тўрга жойлади ва шу тариқа жаҳон чемпионатларидаги ўзининг 23 ўйинида 16-тўпини киритиб, бу борадаги рекордни янгилашга муваффақ бўлди.

Шундан сўнг 5 дақиқа ичида стадионда бамисоли голлар «ёмғири» ёғди. Тони Кросс 24 ва 25-дақиқаларда иккита

GERMANYNINING TARIHIY
FALABASI

чиroyли гол киритди. Айниқса, унинг дарвозанинг тўққиз-лик қисмига жойлаган тўпи жуда бетакорр чикди. Ниҳоят, 29-дақиқада ярим химоячи Сами Хедир бразилияликлар дарвозасига бешинчи жавобсиз тўпни киритди. Стадиондаги барча мухлислар, мутахассислар, «ойна жаҳон» атрофидаги миллионлаб ишқибозлар лолу ҳайрон эди. Наҳотки, Германия термаси шундай кучли, бразилияликлар эса шунчалик заиф бўлса? Хар ҳолда дастлабки ярим соат ичида немислар ўйин тақдирини биратўла ҳал қилиб қўя қолдилар.

Иккинчи тайм бошларида Германия терма жамоаси бир оз хотиржамликка берилган, мухлисларнинг олдида ўзларини озгина бўлса-да, оқлашга ҳаракат қилган бразилияликлар тез-тез ҳужум уюштириб туришди. Бироқ, немислар дарвозабони Мануэль Нойер бир неча ҳавфли зарбаларини мохирона қайтара олди. Германия эса қарши ҳужумларга ўтиб турди.

Иккинчи бўлимда майдонга тушган Андре Шюррле 69 ва 79-дақиқаларда яна иккита гол киритиб, ҳисобни жуда йирик — 7:0га етказди. Жаҳон чемпионатлари тарихида ярим финалларда энг кучлилар баҳс юритгани боис ҳали бундай йирик ҳисоб қайд этилмаган эди. Фақат ўрашувнинг сўнгги дақиқаларида қулай вазиятдан унумли фойдаланган Оскар битта жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлди ҳолос ва немис машинаси рақиб жамоасини мажлаб ташлади. Таъкидлаш жоизки, кейинги бир неча ўн йилликлар давомида биз бунчалик кучли Германия терма жамоасини кўрмаган эдик.

Шундай бетакорр команди шакллантиргани учун немисларнинг бош мураббийи Йоханнес Лёвга тасаннолар айтиш керак.

Бугун иккинчи ярим финал ўрашувда чемпионатда ҳужумкор ва чиroyли, жуда тезкор ўйин кўрсатётган Голландия терма жамоаси Аргентина футболчилари билан баҳс юритади ва финалда икки Европа жамоасининг беллашиши учун катта имкониятлар мавжуд.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ОРОМГОҲЛАРАРО
СПОРТ
МУСОБАҚАЛАРИ

Миробод туманидаги 44-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан тумандаги 125-, 154-, 94-умумий ўрта таълим мактаблари қошида ташкил этилган ёзги болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқариётган ўқувчилар ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди.

Унда ўқувчилар футбол, енгил атлетика, стол теннис, шашка ва арқон тортиш сингари спорт турлари бўйича ғолиблик учун ўзаро куч синашишди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали бош мутахассиси, туман вакили Баҳодир Баҳромовнинг таъкидлашича, мазкур мавсумий спорт мусобақаси ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинади. Бундан қўзланган асосий мақсад эса болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш, уларни спортга кенг жалб этиш, спортнинг ўшбу турларини янада оммалаштириш ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборатдир.

Кизгин ва мурасасиз баҳсларга бой тарзда ўтган спорт мусобақаларининг якуний натижаларига кўра, футбол ҳамда шашка мусобақалари бўйича 154-умумтаълим мактаби қошидаги оромгоҳ жамоаси вакиллари ғолибликни қўлга киритди. Енгил атлетика, стол теннис ва арқон тортиш беллашувларида эса 94-умумтаълим мактаби қошидаги оромгоҳ жамоаси аъзолари пешқадамликни қўлдан бой бермай, 1-ўринга сазовор бўлдилар.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар ҳамда фаол иштирок этган катнашчилар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари, спорт жиҳозлари ва бошқа қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Озода РЎЗИКУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2014 йил 12 август кунини соат 11:00 да, бошлангич нархи ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Суд қарорларини ижро этиш департаменти томонидан 2012 йил 5 март кунини 1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шарқли Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10/AZ 010 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 28 129 000 сўм. 2. 1981 йилда и/ч дав. бел. 10/BE 430 бўлган «Камаз-5311» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 27 574 000 сўм. 3. 1984 йилда и/ч дав. бел. 10/BE 429 бўлган «Камаз-5511» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч дав. бел. 10/BA 712 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/767 САА бўлган «Газ-2752-414» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 37 321 000 сўм. 6. 2012 йил 23 июль кунини 1-185/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01/R 216 JA бўлган «Лексус GX470» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 160 507 000 сўм. 7. 2012 йил 23 июль кунини 1-185/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10/701 ААА бўлган «Nissan Altima» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 62 308 000 сўм. 8. 2012 йил 23 июль кунини 1-185/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10/707 ААА бўлган «Тайота Прадо» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 128 746 000 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан 2010 йил 10 ноябрь кунини 1414/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2000 йилда и/ч дав. бел. 30/Z 1501 бўлган «Range Rover» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 101 472 000 сўм. III. Юнусобод туман СИБ томонидан 2010 йил 18 август кунини 17032/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лойиқа кўчаси, 10-йўлга сақланаётган: 1. 1987 йилда и/ч дав. бел. 10/AR 477 бўлган «Маз-5433» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 9 431 523 сўм. 2. 1987 йилда и/ч дав. бел. 10/С 133 бўлган «Маз-9380» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 2 128 221 сўм. 3. 1986 йилда и/ч дав. бел. 10/B 152 бўлган «Маз-9380» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 2 128 221 сўм. 4. 1993 йилда и/ч дав. бел. 10/AL 136 бўлган «Москвич-2141» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 946 713 сўм. 5. 1991 йилда и/ч дав. бел. 10/AG 173 бўлган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 965 716 сўм. 6. 2013 йил 17 июль кунини 18268/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 8-сонли автосарой жарима майдончасида сақланаётган, 1992 йилда и/ч дав. бел. 10/BA 939 бўлган «Мазда Т2600» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 13 814 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳафталик расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 12 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Юнусобод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 7 октябрь кунини 10-1114/8648-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-мавзе, Аҳмад Доғиш кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 988 кв.м., бионинг умумий майдони 4 648 кв.м. бўлган супер-маркет биноси. Бошлангич нархи — 2 377 770 000 сўм.

2014 йил 19 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулк такоран қўйилмоқда:

Юнусобод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 11 март кунини 10-1412/2436-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, Олой бозори марказий қисмида жойлашган, умумий ер майдони 127 кв.м., фойдаланиш майдони 108,85 кв.м. бўлган савдо дўкони. Бошлангич нархи — 659 750 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафталик расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

Экология

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФО БЎЛСИН

Аммо, айрим ҳолларда чиқиндиларнинг жойлардан вақтида олиб кетилмаслиги сабаб, бу атроф-муҳит муҳофазасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яқинда Учтепа туманида шаҳар «Махсустрас» бошқармаси ҳамда Ободонлаштириш бош бошқармасининг туман бўлими вакиллари иштирокида тадбир уюштирилди.

Унда туман маҳаллалари ҳамда кўчаларини чиқиндилардан тозалаш, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган ҳолларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди. Тадбир катнашчиларининг фикрига кўра, атроф-муҳит тозаланиши асраш бўйича лозим даражада фаолият олиб борилаётгани.

Маиший чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаётига ва соғлиғига зарари катта албатта. Шу боис ҳам пойтахтимизда «Махсустрас» бошқармаси ҳамда Ободонлаштириш бош бошқармасининг туманлардаги бўлими томонидан тозаланиш сақлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Аммо, айрим ҳолларда аҳолининг бепарволиги ҳамда кўчалар тозаланишга риоя қилмай, маиший чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаб кетишлари ҳам экологиянинг бузилишига сабаб бўлаётгани аниқ ҳақиқат.

Шу боис ҳам соҳа вакиллари тез-тез маҳаллаларда, турли қорғонна, ташкилотларда аҳоли би-

лан учрашиб, давра суҳбатлари уюштиришни режалаштиришган. Бу борадаги саяё-ҳаракатлар самара бермоқда.

Тадбирда атроф-муҳит мусоф-фолигини асраш бўйича ечимини кутаётган муаммоларни бар-тараф этиш масалалари бўйича ҳам тавсиялар билдирилди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ҳусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган бошқарма ва туман бўлиmlарининг ишонч телефонларини маълум қиламиз.

№	Бошқарма ва туман бўлиmlари	Ишонч телефони рақамлари
1	Бошқарманинг навбатчилик қисми	241-92-05
2	Бектемир туман бўлими	295-18-90
3	Мирзо Улуғбек туман бўлими	237-44-82
4	Миробод туман бўлими	215-67-07
5	Олмазор туман бўлими	228-01-00
6	Сергели туман бўлими	258-75-71
7	Учтепа туман бўлими	271-52-06
8	Ҳамза туман бўлими	289-59-88
9	Чилонзор туман бўлими	271-12-56
10	Шайхонтоҳур туман бўлими	230-31-85
11	Юнусобод туман бўлими	234-20-67
12	Яккасарой туман бўлими	250-13-66

Тошкент оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почта-тими»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 756

Душанба, сешанба, қоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6568 нусхада босилди.
Қозғ бичими А-2

Нашр учун масул
Д. Исроилов

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Қорғона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ